

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 684-ҳадис

684 - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئاً فَلْيَصْبِرْ؛ فَإِنَّهُ مَنْ حَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَيْئاً مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 7053، م 1849/56].

684. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким амиридан (содир бўлган) бирор нарсани ёқтирмаса, сабр қилсин, чунки ким султон(га итоат)дан бир қарич чиқса, жоҳилият ўлимида ўлган бўлади».**

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Амирларнинг тойилишларига сабр қилиш, лекин имкон қадар насихат қилган ҳолда.
- Амирларга итоат қилишда бўйин товламаслик. Чунки бу нарса мусулмонлар оммасига фасодни олиб келади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVAIDLARI

